Давлат томонидан тартибга солинадаган нархлар

Нархларни давлат томонидан тартибга солиш

Табиий монополиялар субъектлари давлат реестрига киритилган 133 та хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқариладиган товарлар (ишлар, хизматлар)

Нархларни тартибга солиш органи томонидан уларни тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган товарлар (ишлар, хизматлар)

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги 249-сонли Қарорининг 2-иловада келтирилган ижтимоий аҳамиятли товарлар (хизматлар) ва уларнинг стратегик турлари булар:

1. Ижтимоий муҳим дори воситалари ва тиббий буюмлар (махсус тасдиқланадиган рўйхат бўйича)
2. Турмушда истеъмол қилинадиган суюлтирилган газ, «UzGasTrade» АЖ хамда «Ҳудудгазтаъминот» АЖ ва (ёки) унинг ҳудудий бўлинмалари орқали сотиладиган табиий газ.
3. Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича аҳолига, бюджет ташкилотларига ва «Иссиқлик электр станциялари» АЖ корхоналарига, шу жумладан, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ «Темирйўлёнилғитаъмин» бошқармалари орқали сотиладиган кўмир.
4. «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида махсус ҳимоя даражасига эга бўлган қоғоздан тайёрланадиган маҳсулотлар (қимматли қоғозлар, паспорт, ҳаракатланиш ҳужжати ва шу кабилар).
5. Қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни ташиш хизматлари.
6. Шаҳар йўловчи ташиш транспортида йўловчиларни ташиш хизматлари (йўналишли ва линияли таксилардан ташқари).
7. Телевизион, радио эшиттириш дастурларини узатиш, йўлдош алоқа орқали теле ва радио дастурларни қайта узатиш хизматлари, радиоалоқа хизматлари.
8. Грифланган пакетларни (жўнатмалар, посилкаларни) жўнатиш.
9. Маълумотларни халқаро етказиш хизматлари ва халқаро каналларнинг ижараси.
10. Хўжалик субъектларининг пул маблағлари инкассацияси ва пул маблағлари ва бошқа қимматликларни банклараро ташиш хизматлари.
11. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Ўқув таълим-таъминот» давлат унитар корхонаси томонидан кўрсатиладиган хизматлар.

Бунунги кунда тартибга солинадиган нархлар рақобат бозори:

- 30 дан ортиқ товар ва хизматларга;
- табиий монополиялар соҳасида 10 хил турдаги товарларга амалга оширилмоқда;
- ҳудудий принципга қараб 137 хилдаги нарх даражалари орқали тартибга солинмоқда (ПФ-6019-сон 06.07.2020)

Давлат томонидан нархларни тартибга солиш *(ВМҚ-239-сон, 28.10.2010й.)*

ҚУЙИДАГИЛАР ТАЛАБ ЭТИЛАДИ:

1. Устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилгандан сўнг нархлари давлат томонидан тартибга солинадиган товарлар (иш,хизматлар) нархларини 15 кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг топшириғи бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия бошқармаларида декларация қилиш.
2. Нархларни шакллантиришда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган низомга ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиш.
3. Ҳар бир товар бўйича даромадлар, харажатлар ва жалб этилган активларнинг алоҳида ҳисобини юритиш.

ҚУЙИДАГИЛАР ТАҚИҚЛАНАДИ:

1. Декларация қилинган (тасдиқланган), келишилган ва белгиланган тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни ошириш.
2. Тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни декларация қилмасдан (тасдиқламасдан) қўллаш.
3. Тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни декларация қилиш (тасдиқлаш), келишиш ва белгилаш учун нархларни тартибга солувчи органларга, давлат бошқаруви органларига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ишончсиз маълумотлар тақдим этиш.
4. Товарнинг нархига (тарифга) хомашё ва материалларга, ёқилғи-энергетика ресурсларига ва ҳақиқатда амалга оширилмаган харажатларни, амалда юз бермаган меҳнат харажатларини ва бошқа харажатлар ёки бажарилмаган ишларни киритиш.
5. Товарларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган юқори ликвидли ва монопол турларини биржа савдоларига тегишли жадвалларда назарда тутилган муддатларда ва ҳажмларда қўймаслик.
6. Нархи (тарифи) тартибга солинадиган нархлар даражасида белгиланадиган товарнинг бошланғич нархини биржа савдоларига ошириб қўйиш.
7. Фақат биржа савдолари орқали сотиладиган маҳсулотлар, хомашё ва материалларнинг тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотиш.

ҚУЙИДАГИ ЖАВОБГАРЛИКЛАР БЕЛГИЛАНГАН

1. Қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва келгусида йўл қўймаслик бўйича кўрсатма берилади.
2. Тақиқланган ҳолатларни содир этилиши орқали олинган ортиқча даромад белгиланган тартибда олиб қўйилади.
3. Товар ёки молия бозоридаги устун мавқеини суиистеъмол қилганлик, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юборишда, қўшиб олишда ва устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш бўйича битимлар тузишда рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик, рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ҳолларини тугатиш ҳақидаги, дастлабки ҳолатни тиклаш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажаришдан бўйин товлаганлик ёки ўз вақтида бажармаганлик, монополияга қарши органга ахборотни тақдим этмаганлик ёки ўз вақтида тақдим этмаганлик, нотўғри ёки ёлғон маълумотлар тақдим этганлик, танлов (тендер) ёки биржа савдоларига доир монополияга қарши талабларни бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилади.
4. Монополияга қарши органга ахборот тақдим этмаслик ёки била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тақдим этиш, шунингдек қоидабузарликни тугатиш тўғрисидаги, дастлабки ҳолатни тиклаш ҳақидаги кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки ўз вақтида бажармаслик, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса жиноий жавобгарликка тортилади.

Монопол юқори ва монопол паст нархлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Товар бозорларида монополияга қарши тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 30 мартдаги 249-сонли қарори:

1 **Товар бозорида сотиладиган товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) монопол юқори ва монопол паст нархларини аниқлаш:**

- Қўмита томонидан Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектларнинг товарларига қўлланилаётган нархлар ҳар чоракда таҳлил қилинади.

2 **Нарх ўзгариши белгиларини ва ушбу ўзгаришларга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлашда:**

- субъектнинг молия-хўжалик фаолияти;
- товар таннархи, ишлаб чиқариш харажатлари ва давр сарфлари ўзгариши;
- субъектнинг товарни сотишдан олган даромади ёки кўрган зарари;
- ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиши ва бошқалар.

3 **Субъектлар товарларига нархларни нг ўзгариши динамикасини таҳлил қилиниши:**

ҳар чоракда субъектлар томонидан тақдим этилган Товар ёки молия бозори да устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилган товарларга қўлланиладиган нархлар тўғрисидаги маълумотлар Қўмита томонидан

Тартибга солинадиган нархлар бозорида қўлланиладиган қўшимча тушунчалар

4

Рақобат:

хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди.

(«Рақобат тўғрисидаги» ЎРҚ-319-сон 06.01.2012)

5

Товар бозори:

товарнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ёки унинг бир қисмидаги муомала доираси бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мос келмаслиги мумкин ва мазкур муомала доираси чегараларида товарни олиш ёки реализация қилиш имконияти мавжуд бўлади.

(«Рақобат тўғрисидаги» ЎРҚ-319-сон 06.01.2012)

6

Бир-бирининг ўрнини босадиган товарлар:

ўзининг белгиланган вазифаси, қўлланилиши, сифат ва техник хусусиятлари, нархи ҳамда бошқа параметрлари бўйича тақкосланиши мумкин бўлган шундай товарларки, уларни олувчи истеъмол қилиш чоғида бир товарни бошқасига ҳақиқатан ҳам алмаштиради ёки алмаштиришга тайёр бўлади.

(«Рақобат тўғрисидаги» ЎРҚ-319-сон 06.01.2012)

Рақобатни рағбатлантирувчи таъсирни вужудга келтирувчи нархларни шакллантириш соҳасида қуталётган КЎРСАТКИЧЛАР

Давлат томонилан нархларнинг тартибга солинишини қисқартириш

10 тага

Бозорда иштирокчилар сонининг ортиши

25%га

40 % ЯИМ

Давлатнинг иқтисодиётдаги аралашувини қисқартириш

Эътиборингиз учун рахмат!

Web:

antimon.gov.uz

Боғланиш учун:

info@antimon.gov.uz

Tel.: 71 207 47 00

@antimonuz

AntimonUz